

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ DSc.03/10.12.19.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

МАДАЛИЕВ АБДУЛЛА АХМЕДОВИЧ

БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА ИНСОН ОМИЛИНИ
ФАОЛЛАШТИРИШ ВА ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ ИНДЕКСИНИ
БАҲОЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.13- Менежмент, 08.00.10 - Демография. Мехнат иқтисодиёти
(иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Мадалиев Абдулла Ахмедович

Бошқарув тизимида инсон омилини фаоллаштириш ва инсон тараққиёти индексини баҳолаш механизмларини такомиллаштириш..... 5

Мадалиев Абдулла Ахмедович

Совершенствование системы механизмов по активизации человеческого фактора и оценки индекса человеческого развития в системы управления.....36

Madaliyev Abdulla Akhmedovich

Improving the system of mechanisms for activating the human factor and assessing the human development index in management systems.....37

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published publications38

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ DSc.03/10.12.19.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

МАДАЛИЕВ АБДУЛЛА АХМЕДОВИЧ

БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА ИНСОН ОМИЛИНИ
ФАОЛЛАШТИРИШ ВА ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ ИНДЕКСИНИ
БАҲОЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.13- Менежмент, 08.00.10 - Демография. Мехнат иқтисодиёти
(иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/Iqt265.рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат аграр университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) илмий кенгаш веб-саҳифаси (tsue.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Бобаназарова Жамила Холмуродовна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Хошимов Ақром Абдиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Хонкелдиева Гўзал Шеровна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент молия институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги иқтисодиёт фанлар доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича DSc.03/10.12.19.I.16.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил « _____ » _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 233-64-21; факс: (99871) 233-60-01; e-mail: tdiu@tdiu.uz).

Докторлик диссертацияси билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-27; факс: (998971) 239-28-27; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил « _____ » _____ куни тарқатилди.
(2021 йил « _____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Х.Жумаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш раиси,
и.ф.д., профессор

Ш.Ж.Эргашходжаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш котиби,
и.ф.д., профессор

Г.Қ. Абдурахмонова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш учун табиий ресурсларнинг ўзигина кифоя эмас, балки бунда ўлчаши мумкин бўлмаган омилларнинг роли ҳам беқиёс. Шу сабабдан бошқарувни янада демократлаштириш, инсон омилини фаоллаштириш ва бунда замонавий менежментнинг илғор усуллари билан фойдаланиш, зарурий ўринларда мавжуд илмий-назарий ғояларни таҳлил этиб, уларни бойитиш, янги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Хусусан бунда, ишлаб чиқаришни техник, ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш бевосита инсон омилининг фаоллиги ва инсон тараққиёти индексининг даражасига боғлиқдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ривожланиш дастурига кўра ўтказилган тадқиқотлар натижасида жаҳон ҳамжамияти эга бўлган бойликнинг 64,0 фоизи инсон салоҳияти ҳиссасига тўғри келиши аниқланган. Табиий ресурслар ва жаҳондаги мавжуд барча ишлаб чиқариш-технологик инфратузилма улушига эса, жаҳон умумий бойлиги ҳажмининг атиги учдан бир қисми тўғри келади. Инсон тараққиёти даражаси Шимолий Америкада 76,0 фоизни, Ғарбий Европада 74,0 фоизни, Жанубий Америкада 74,0 фоизни Яқин Шарқда 43,0 фоизни, Шарқий Осиёда 77,0 фоизни ташкил этади.¹ Айни даврда БМТ томонидан қўлланилаётган инсон тараққиёти индекси, асл ҳолатни тўғри баҳолаш имконини бермаяпти.

Жаҳон илм-фананда инсон омили ва уни фаоллаштириш ҳамда инсон тараққиёти индекси салмоғини ошириш борасида қатор муаммоларнинг ечимини таъминлаш юзасидан мақсадли илмий изланишлар ташкил қилинган. АҚШ олимлари томонидан 3100 дан кўпроқ иш жойларида тадқиқотлари натижаларининг таҳлили таълим даражаси 10,0 фоизга ортганда, умумий меҳнат унумдорлиги 8,6 фоизга ўсишини кўрсатди. Таққослаш учун шуни келтириш мумкинки, асосий фондлар шу даражага кўпайтирилганда меҳнат унумдорлиги атиги 3,4 фоизга ортган. Бошқача қилиб айтганда, инсон капиталига инвестициялардан олинган фойда техникага капитал қўйилмалардан олинган фойдадан уч баробар юқоридир². Демак, инсон салоҳияти миллий бойликнинг асосий қисми ва ҳар бир мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омилига айланганлигини тасдиқлаш мумкин. Шунингдек, “2018 йилда Жаҳон банки мамлакатлараро таққослашнинг янги дастаги сифатида инсон капитали индексини тақдим этди³. У 1990 йилдан бери қўлланилиб келинаётган Инсон тараққиёти индексини муҳим жиҳатлар билан тўлдириш кўзда тутилган.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни барқарор ривожлантиришда инсон омилини фаоллаштириш ва инсон тараққиёти индексини оширишга эътибор кучайтирилмоқда. Хусусан, қисқа давр ичида

¹ Абдурахмонов Қ.Х., Холмўминов Ш.Р., Умурзаков Б.Х. ва бошқалар. Инсон тараққиёти. Дарслик. – Т.: Иқтисодиёт, 2013. -Б. 127-128.

² 10.Добрынин А.И., Дятлов С.А., Цыренова Е.Д. Человеческий капитал в транзитивной экономике: формирование, оценка, эффективность использования. - СПб.: Наука, 1999.- С.127.

³ <http://platformaxxi.org/2019/03/05/hci/> (2021 йил 15 январда олинган).

таълим соҳасида ва кадрлар тайёрлаш ишларида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Бу ишларни давомий ва мунтазам равишда амалга оширишнинг асослари белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизими такомиллаштирилиб, унинг таркибида қатор илмий-тадқиқот институтлари ва марказлар фаолияти тикланди. Иқтисодиёт ва жамият ҳаётида муҳим лойиҳаларни амалга оширадиган Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди. Лекин, мамлакатнинг иқтисодий илм-фанида иқтисодий ривожланишнинг янги тенденциялари, инсон омилини фаоллаштириш ва инсон тараққиёти индексини ривожлантириш асослари етарли даражада ўрганилмаган. “Ўзбекистон бугунги кунда инсон салоҳияти бўйича дунёнинг 189 мамлакати ичида 106-ўринни эгаллаб турибди”⁴.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожлантиришининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.⁵ Бошқарув тизимида инсон омилини фаоллаштириш ва инсон тараққиёти индексини баҳолаш механизмларини такомиллаштириш муаммолари бўйича

⁴ <https://sputniknews-uz.com/20201216/zbekiston-Inson-kamoloti-indeksida-yuoriladi-15607377.html>.

⁵ Мазкур қисм қуйидаги манбалар асосида ёритилган: <http://gtmarket.ru/ratings/human-development-index/human-evelopment-index-info>; <http://www.hbs.edu/Pages/default.aspx>; <http://www8.gsb.columbia.edu/>; https://en.wikipedia.org/wiki/European_Foundation_for_Management_Development; https://en.wikipedia.org/wiki/Halle_Institute_for_Economic_Research; <http://docs.cntd.ru/document/1200089427>; <http://www.roman.by/1-48514.html>; Доклад о развитии человека 2010, 20-е юбилейное издание. Реальное богатство народов: пути к развитию человека. “Весь мир”, -С.210, -С.216; <http://www.unicas.it/sia/eventi/spettacolare-concerto-a-distanza.aspx>; <http://www.msu.ru/>; <http://www.tilburguniversity.edu/about/profile/>; Greiling D. Balanced Scorecard Implementation in German Non-profit Organisations //International Journal of Productivity and Performance Management, Vol. 59 (6), 2010. 534-554 pp.; Жариков В., Воеводкин С. Механизм планирования и оценки экономического потенциала промышленного предприятия //Вопросы современной науки и практики. – Москва, 2012 – №4 (42). –С. 193-199; Романов А., Губанова М. ЭП предприятия и его связи с ресурсным и производственным потенциалами // Вопросы современной науки и практики. – Москва, 2010 – №7-9 (30). – С. 223-229; Назаров Ш.Х. Совершенствование методологических основ повышения конкурентоспособности регионов Узбекистана. Автореф. дисс. док. экон. наук. – Т.: ИПМИ, 2016. – 94 с.; Акрамова Ш.Г. Ўзбекистонда инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида инсон капиталининг ривожланиши (Монография). – Т.: Iqtisod-Moliya, 2014, -180 б. Минг йилликнинг ривожланиш мақсадларининг маърузаси, БМТ. – Ўзбекистон, 2006. 84 б.

изланишлар жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказлари, жумладан, Harvard Business School (АҚШ), The Halle Institute of Economic Research, (Германия), Universiyta degli Studi di Cassino e del Lazio (Италия), Россия Инновацион технологиялар ва тадбиркорлик институти, Москва давлат университети, Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Россия халқ хўжалиги ва давлат хизмати академияси (Россия), Wageningen University and Reserch Center, University of Social Psychology, Tilburg, (Нидерландия), Нидерландия); Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази (Ўзбекистон) томонидан амалга оширилмоқда.

Бошқарув тизимида инсон омилини фаоллаштириш ва инсон тараққиёти индексини баҳолаш механизмларини такомиллаштириш бўйича жаҳонда амалга оширилган илмий тадқиқотларда қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: “Инсон тараққиёти концепцияси” ишлаб чиқилган (БМТ), бошқарувда таҳлил ва амалиётдаги вазиятлар масалаларини ечиш ва улар бўйича қарор қабул қилиш илмий асослари такомиллаштирилган (Harvard Business School, АҚШ); инновацион иқтисодиёт ва инсон капитали омилларининг иқтисодиётга таъсири аниқланган (The Halle Institute of Economic Research, Германия); CASCO WG17-шахсларни сертификациялаш бўйича ISO\IES 17024 системаси ишлаб чиқилган (Жаҳон стандартлаш кўмитаси); жаҳонда инсон тараққиёти концепциясининг амалиёти йўлга қўйилган (БМТ); инсон капиталини ривожлантириш бўйича назариялар илгари сурилган (АҚШ); мамлакатлардаги турмуш сифатини баҳолаш учун интеграл кўрсаткич – Инсон салоҳиятини ривожлантириш индекси (ИСРИ) ишлаб чиқилган (БМТ экспертлар гуруҳи); тузилмаларда гендер тенглиги, меҳнат фаолиятини эркин танлаш ҳуқуқи ва ижтимоий кафолатлар ҳамда инсон кадр-қимматини ҳурмат қилиш шароитларида муносиб ва самарали меҳнат қилиш учун имкониятлар яратишнинг самарали механизмлари ишлаб чиқилган (Universiyta degli Studi di Cassino e del Lazio, Италия); иш билан бандлик ва муносиб меҳнатни жорий қилишнинг самарали механизмлари таклиф қилинган (МГУ, Россия), кичик гуруҳларда низо даражасини ўлчаш методлари яратилган (University of Social Psychology, Tilburg, Нидерландия); инновацияларни стратегик бошқариш ва инновацияларни татбиқ этишда менежментга хос хусусиятлар аниқлаштирилган (Россия Инновацион технологиялар ва тадбиркорлик институти); ёш, лавозим мавқеи, бошқарув фаолияти тажрибаси, инновацион фаолият шарт-шароитида касбий юксалиш йўллари ва иш стажига боғлиқлиги аниқланган (Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Россия халқ хўжалиги ва давлат хизмати академияси); инновацион салоҳиятга таъсир қилувчи ички омиллар очиб берилган ҳамда Европа Иттифоқининг агросаноат корхоналари мисолида уларнинг таъсири баҳоланган (Wageningen University and Reserch Center, Нидерландия); минтақаларнинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланишга индивидуал ва комплекс ёндашувлар очиб берилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти), мамлакатда инсон капиталини

ривожлантириш борасида шаклланган ҳолатга баҳо берилган ва инновацион иқтисодиёт шароитида уни ривожлантириш йўналишлари таклиф этилган (ТДИУ хузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази).

Дунёда бошқарув тизимида инсон омилини фаоллаштириш ва инсон тараққиёти индексини баҳолаш механизмларини такомиллаштириш масаласи бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: инсон омилини фаоллаштиришнинг самарадорлик омилларини тизимли тадқиқ этиш; ижтимоий-иқтисодий жараёнларни самарали бошқариш сифати ва механизмлари; бошқарувни эркинлаштиришда инсон омилини фаоллаштириш ва бунда ўзини-ўзи бошқарув тизимини кенг жорий этиш; инсон тараққиётидан келадиган самараларни таҳлил қилиш ва баҳолаш; бошқарув психологиясини инновацион фаолиятга тайёрлаш; ижтимоий-иқтисодий бошқарув жараёнларини интеллектуаллаштиришда бошқарувчининг тегишли қобилиятларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бошқарув тизимида инсон ресурслари ва инсон омилини ривожлантиришга оид назарий тадқиқотлар Г.Эмерсон, А.Файол, А.Г.Маслоу, Д.Мак-Грегор, Г.Гант, Ф.Гильберт, Г.Форд ва бошқа менежмент фанининг классик намоёндалари томонидан олиб борилган. Э.Мэйо, Ф.Ротлисбергер, К.Анжерис, Р.Ликарт, Р.Блейк ва бошқалар инсоний муносабатлар назарияси, Л.Вальрас, Дж.Кларк, Г.Маклеод, И.Фишер инсон ва унинг қобилиятлари бўйича иш олиб бордилар. Нобель мукофоти лауреатлари Т.Шульц, У.А.Льюис ва Г.Беккер инсон капиталини ривожлантиришнинг илмий назарияларини илгари суришган⁶.

МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимларидан Ю.Г.Одегов, Г.Г.Руденко, Ю.А.Корчагин, Т.И.Заславская, Г.В.Ридевский, М.С.Наркулов, В.Г.Асеев, Б.Клегг, И.Д. Ладанов ва бошқаларнинг илмий асарларида инсон капиталининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги ўрни ва аҳамиятига доир масалалар хусусида фикр юритилган.⁷

⁶ Маслоу А. Г. Мотивация и личность. - СПб.: Евразия, 1999. Международная организация труда. Конвенция. Документы. Материалы. Справочное пособие. - М.: Дело-Сервис, 2007. Хохлова, Т. П. Теория менеджмента: история управленческой мысли: учебник; рекомендовано ФГБОУ ВПО /Т.П.Хохлова. - М.: ИНФРА-М, 2013. -С.384. - (Бакалавриат); Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. - Т.: Mehnat. 2004. -Б.352-353.; Mill. J. S. Principles of Political Economy – L., 1920. –Р.47.; Shultz T. Investment in Human capital / Theodor Shultz. – N.Y. – London, 1971; Беккер Г. Человеческое поведение: экономический подход. Избранные труды по экономической теории / пер. с англ. сост., научн. ред., послес. Капельнюшников Р.И. – М.: ГУВШЭ, 2003; <http://nl/ek/schultz.htm>.

⁷ Одегов Ю.Г., Руденко Г.Г. Экономика труда. Учебник. – М.: Волтерс Клувер, 2011. Корчагин Ю. Перспективы развития России: человеческий капитал и инновационная экономика. Монография. – Воронеж: ЦИРЭ, 2012.; Заславская Т. И., Ривкина Р.В. Социология общественной жизни: очерки теории. Новосибирск: Наука, 1991.; Ридевский Г.В. Человеческий капитал регионов Беларуси: основные итоги постсоветского развития. <chrome-extension://mhjfbmdgcfjbbpaeojofohoefgihjaj/index.html>; Наркулов М.С. Оценка стоимости человеческого капитала Казахстана по методу совокупного трудового дохода в течение всей жизни. Асеев В.Г. Мотивация поведения и формирования личности. М. Изд-во «Мысль», 2001. Клегг Б. Стресс-менеджмент. Спб, 2003. Ладанов И.Д. Управление стрессом. М.,1989. //HumanCapitalLead.- [Электронный ресурс]. - Режим доступа:<http://hlead.kz/otsenka-stoimosti-chelovecheskogokapitala-kazahstana-po-metodu-sovokupnogo-rudovogo-dohoda-v-techenie-vsey-izni.html>.

Шунингдек, ўзбекистонлик олимларнинг ҳам тадқиқотлари маълум бўлиб, уларда Республикада ижтимоий-иқтисодий ўсишнинг муаммолари, бошқарув тизимида инсон омилини фаоллаштириш, меҳнат салоҳияти, жисмоний имконият, маълумот, касбкор, малакага эга бўлиш, корхоналар иқтисодий салоҳиятини бошқаришнинг асослари ва айрим жиҳатлари ўрганилган. Хусусан, иқтисодий салоҳиятнинг кадрлар, инвестицион, молиявий ва бошқа алоҳида таркибий қисмларини бошқаришнинг назарий-услубий жиҳатлари академиклар М.Шарифхўжаев, С.Ғуломов, Р.Убайдуллаева, иқтисодиёт фанлари докторлари, профессор Ш.Зайнутдинов, Қ.Абдурахмонов, Н.Жумаев, Х.Абулқосимов, Г.Абдурахмонова, Х.Боевнинг ишларида кўриб чиқилган, аммо бошқарув тизимида инсон омилини фаоллаштириш ва инсон тараққиёти индексини баҳолашнинг ташкилий-иқтисодий механизмларидан фойдаланишни такомиллаштириш масалалари уларда ўз ечимини топмаган⁸.

Мазкур масала юзасидан олиб борилган тадқиқотлар иқтисодиётни модернизациялаштириш ва бошқарувни эркинлаштириш шароитида юқорида қайд этилган бошқарув тизимида инсон омилини фаоллаштиришнинг илмий-амалий асосларини ҳамда инсон омили фаоллигини баҳолашнинг мавжуд услубий базаси ва механизмларини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради. Шу муносабат билан концепцияни мазкур диссертация иши доирасида ривожлантириш илмий-амалий қизиқиш уйғотади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Тошкент давлат аграр университети илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш ишларининг режасига мувофиқ “Мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш” лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бошқарув тизимида инсон омилини фаоллаштириш ва инсон тараққиёти индексини баҳолаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

⁸Шарифхўжаев М. Абдуллаев Ё. Менежмент. Олий ўқув юртлари учун қўлланма. - Т.: Меҳнат, 2000 й. –Б.552.; Ғуломов С.С. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти. - Т.: Меҳнат, 1997. –Б.208.; Убайдуллаева Р. Демографическая ситуация Узбекистана и перспективы ее развития. Социально-демографические процессы в современном Узбекистане. –Т.: Ўзбекистон, 2009. -С.142.; Зайнутдинов Ш.Н., Муракаев ва бошқалар. Менежмент. -Т.: Молия, 2001. - С.208.; Зайнутдинов, Ш. Нуримбетов Р. Персонални бошқариш. - Т.: Митти юлдуз, 2007.; Абдурахмонов Қ., Одегов Ю. ва б. Персонални бошқариш. Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2006. –Б.272.; Abduramanov Q.X., Abduramanov Q.X. Mehnat resurslari safarbarligi. O'quv qo'llanma - Т.: TDIU, 2011. Abduramanov Q.X. Demografiya: O'quv qo'llanma. - Т.: TDIU, 2011. Х. Абулқосимов ва бошқалар Миллий меҳнат бозори учун кадрлар тайёрлашни бошқаришни такомиллаштириш йўналишлари. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2009, -Б.215.; Умурзаков У.П., Абдуллаев З.С., Абдурахимов И.Л. Эволюция менеджмента в сфере водопользования и водного хозяйства в Центральной Азии. – Т: «Фан», 2006.-С.352. 2006.-352 с., Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. -Т.: Меҳнат, 2004, -Б.27. Ғуломов, С. Жумаев Н.Х. ва бошқалар. Ижтимоий соҳага инвестициялар жалб этиш. Т.:Иқтисодиёт. Х.Боев., Н.Х. Жумаев ва бошқалар. Аҳолини ижтимоий химоялашни ташкил этиш ва бошқариш муаммолари. Т.: Иқтисодиёт, 2012, -Б151 б. Г. Қ. Абдурахмонова. Инсон ресурсларини бошқариш (Дарслик). Т.: Фан, 2021, -Б 692.

бошқарув тизимида инсон омилини фаоллаштиришнинг назарий-методологик асосларини ва уларни меҳнат ресурсларига қўллашнинг тизимли омилларини тадқиқ этиш;

меҳнат ресурслари бўйича инсон омилининг фаоллаштириш ва инсон тараққиёти индексини баҳолаш концепциясини ишлаб чиқиш;

бошқарув тизимида корхоналар салоҳиятини аниқлаш бўйича инсон омили фаоллаштириш ва инсон тараққиёти индексини баҳолашнинг кўп омилли ва кўп функцияли инновацион моделини ишлаб чиқиш;

кадрлар сиёсатида инсон капиталини баҳолашнинг амалдаги механизмларидан фойдаланишни такомиллаштириш усулларини тавсия этиш;

бошқарув жараёнларини интеллектуаллаштириш учун инсон омилини фаоллаштириш ва инсон тараққиёти индексини баҳолаш модели асосида “Электрон бошқарув” тизимининг методологик асосларини таклиф этиш.

Тадқиқот объекти сифатида қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа реал тармоқларида инсон ресурслари сифатини ошириш учун инсон омилини фаоллаштириш билан боғлиқ фаолияти танланган.

Тадқиқот предмети бўлиб, бошқарув тизимида инсон омилини фаоллаштириш ва инсон тараққиёти индексини ташкил этиш ва уни баҳолаш жараёнида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда тизимли ёндашув, қиёсий ва таркибий таҳлил, танлаб тадқиқ қилиш, иқтисодий-математик усуллар, кўп омилли эконометрик таҳлил, мақсадли ва дастурий ёндашувлар, умумлаштириш, қайта ишлаш, синтез усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бошқарув тизимида инсон тараққиёти синергетик самарасини таъминлаш учун инсон омили иқтисодий эркинлигини институционал мезонлар асосида баҳолаш асослаб берилган;

корхона стратегиясини ишлаб чиқишда меҳнат ресурсларининг инсон тараққиёти индекси даражасида баҳолаш услубиятини жорий этиш таклиф этилган;

иқтисодиётнинг реал секторида инновацион-индустриявий фаолликни таъминлаш, сифат ва миқдор йўналишларини белгилашда инсон тараққиёти индексини баҳолашнинг кўп функцияли модели ишлаб чиқилган;

инсон омилининг фаоллик даражасини инсон капиталига йўналтирилган инвестиция қайтим нормаси асосида инсон ресурсларини бошқариш механизми асослаб берилган;

“Электрон бошқарув” (дастурий маҳсулоти) асосида инсон омилини бошқаришнинг инновацион конструкция моделига асосланган алгоритми таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

бошқарув тизимида инсон омилини фаоллаштириш концепцияси доирасида инсон омилининг яхлит ҳолатдаги таркибий-ташкилий тузилмаси, инсон омили фаоллик даражасини баҳолаш стандарт-ташхис мезонлари тавсия қилинган;

меҳнат ресурсларининг инсон омили фаоллиги билан уйғун тарзда корхоналар салоҳиятини баҳолаш, уларнинг келажакдаги мақсадларига эришишини аввалдан башорат қилиш, стратегик режалар белгилаш масалаларини такомиллаштириш имконини берувчи бошқарув тизимида инсон омили ва унинг фаоллигини баҳолаш кўп омилли ва кўп функцияли инновацион модели татбиқ этилган;

корхоналарнинг салоҳиятини белгиловчи меҳнат ресурсларининг инсон омиллини фаоллаштириш ва инсон тараққиёти индексини баҳолаш билан боғлиқ тизимли механизм жорий этилган;

инсон омиллини фаоллаштириш концепциясини кадрлар сиёсати амалиётида қўллаш услубияти ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика усуллари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти янги услубий ёндашув ишлаб чиқилгани ва қўлланилгани билан боғлиқ бўлиб, бу бошқарув тизимида инсон омиллини фаоллаштириш ҳамда инсон тараққиёти индексини аниқлаш ва баҳолаш имконини беради, методологик ва методик воситалардан кенг фойдаланган ҳолда, корхоналарда меҳнат ресурслари салоҳиятини бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича стратегик ҳамда комплекс дастурларни шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан бошқарув тизимида корхоналар ва республика иқтисодиётининг реал секторларини ривожлантиришнинг концептуал асослари, усуллари ҳамда моделларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган бошқарув тизимида инсон омиллини фаоллаштиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмидан фойдаланишни такомиллаштириш асосида бошқарув усуллари ва моделлари, уларнинг ривожланишига хос хусусиятлар ҳамда фойдаланилмаган имкониятлари, иқтисодий салоҳият захиралари ва бошқарув қарорлари қабул қилишнинг стратегик мўлжаллари ҳамда устувор вазифаларини сифатли аниқлаш имконини беради. Бу билан Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш стратегиялари, дастурлари, концепцияларини амалга оширишга тўла хизмат қилади. Ишлаб чиқариш кучларини инсон омили фаоллиги ва салоҳияти даражасида жойлаштиришда асос бўлади. Корхоналарда меҳнат ресурслари ва уларни бошқаришда инсон омиллини фаоллаштиришнинг тизимли чоралар бўйича концепцияси ҳамда кўп омилли ва кўп функцияли инсон омиллини фаоллаштириш ва инсон тараққиёти индексини баҳолаш модели корхоналарда инсон ресурсларининг салоҳияти, ишлаб чиқаришнинг жорий ва перспектив стратегик ҳамда динамик ўсишини аниқлаш, иқтисодий салоҳиятини башоратлаш, корхоналар ва мамлакат иқтисодиёти соҳаларининг

ривожланиш динамикаси тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошқарув тизимида инсон омилини фаоллаштириш ва инсон тараққиёти индексини баҳолаш механизмларини такомиллаштириш юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

бошқарув тизимида инсон тараққиёти синергетик самарасини таъминлаш учун инсон омили иқтисодий эркинлигини институционал мезонлар асосида баҳолаш таклифи “Ўзэлтехсаноат” ва “Ўзагромушсервис” акциядорлик жамиятлари томонидан бошқарувда инсон капиталидан самарали фойдаланиш учун қабул қилинган (“Ўзэлтехсаноат” АЖнинг 2016 йил 23 ноябрдаги 09-1694-сон (“Ўзагромушсервис” акциядорлик жамиятнинг 2018 йил 13 апрелдаги 03-03/02-434-сон маълумотномалари). Натижада компаниялардаги инсон омилининг фаоллик даражаси 0,2 фоизга ошишига шарт-шароит яратилган.

корхона стратегиясини ишлаб чиқишда меҳнат ресурсларининг инсон тараққиёти индекси даражасида баҳолаш услубиятини жорий этиш таклифи “Ўзэлтехсаноат” ва “Ўзагромушсервис” акциядорлик жамиятлари томонидан бошқарувда инсон капиталидан самарали фойдаланиш учун қабул қилинган (“Ўзэлтехсаноат” АЖнинг 2016 йил 23 ноябрдаги 09-1694-сон (“Ўзагромушсервис” акциядорлик жамиятнинг 2018 йил 13 апрелдаги 03-03/02-434-сон маълумотномалари). Ушбу мезонларни амалиётга жорий этилиши натижасида ишлаб чиқаришда инсон омилининг миқдор ва сифат йўналишлари бўйича даражаси 1,0 фоизга ўсган. Инсон омили фаоллигининг базавий миқдори 76,0 фоиздан 77,0 фоизга ортган.

иқтисодиётнинг реал секторида инновацион-индустриявий фаолликни таъминлаш, сифат ва миқдор йўналишларини белгилашда инсон тараққиёти индексини баҳолашнинг кўп функцияли модели жорий этиш таклифи “Ўзэлтехсаноат” ва “Ўзагромушсервис” акциядорлик жамиятлари томонидан бошқарувда инсон капиталидан самарали фойдаланиш учун қабул қилинган (“Ўзэлтехсаноат” АЖнинг 2016 йил 23 ноябрдаги 09-1694-сон (“Ўзагромушсервис” акциядорлик жамиятнинг 2018 йил 13 апрелдаги 03-03/02-434-сон маълумотномалари). Натижада ишлаб чиқаришда инсон омилининг миқдор ва сифат йўналишлари бўйича базавий даражасига нисбатан 1,0 фоизга ўсиш кузатилган.

инсон омилининг фаоллик даражасини инсон капиталига йўналтирилган инвестиция қайтим нормаси асосида инсон ресурсларини бошқариш механизми жорий этиш таклифи “Ўзэлтехсаноат” ва “Ўзагромушсервис” акциядорлик жамиятлари томонидан бошқарувда инсон капиталидан самарали фойдаланиш учун қабул қилинган (“Ўзэлтехсаноат” АЖнинг 2016 йил 23 ноябрдаги 09-1694-сон (“Ўзагромушсервис” акциядорлик жамиятнинг 2018 йил 13 апрелдаги 03-03/02-434-сон маълумотномалари). Дастлабки эксперт баҳолашлари натижасига кўра, ушбу коэффициент кўрсаткичи 0,767 даражани ташкил этганлиги аниқланган. Тавсия этилган моделдан фойдаланиш натижасида инсон омили фаоллигининг коэффициенти 0,769 даражага ошган.

“Электрон бошқарув” (дастурий маҳсулоти) асосида инсон омилини

бошқаришнинг инновацион конструкция моделига асосланган алгоритмини жорий этиш таклифи “Ўзэлтехсаноат” ва “Ўзагротмашсервис” акциядорлик жамиятлари томонидан бошқарувда инсон капиталидан самарали фойдаланиш учун қабул қилинган (“Ўзэлтехсаноат” АЖнинг 2016 йил 23 ноябрдаги 09-1694-сон (“Ўзагротмашсервис” акциядорлик жамиятнинг 2018 йил 13 апрелдаги 03-03/02-434-сон маълумотномалари). Натижада, ишни меъёрий вақтга нисбатан бажарилиши, инсон ресурслари, моддий-техник ресурслар харажатларини минималлаштириш эвазига таннарх 0,5 фоизга қисқарган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари, жами 25 та, жумладан 5 та халқаро ва 20 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 8 та монография, жумладан 1 таси хорижда, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 23 та илмий мақола, жумладан, 17 таси республика, 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 225 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалар, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Бошқарув функциясида инсон омилини фаоллаштиришнинг ғоявий-методологик асослари»** деб номланган биринчи бобида иқтисодиётни бошқаришда инсон омилини фаоллаштиришнинг моҳияти ва мазмунини очиқ беришга, бунда илмий менежментнинг классик ва мумтоз мактаблари, амалий психология, инсоний муносабатлар назарияси, эмпирик ва бошқа қатор йўналишлар, тадқиқот олиб борган олимларнинг назариялари ва ғоялари тадқиқ этилиб, уларнинг тизимлашган омиларини таҳлиллари амалга оширилган. Шулар асосида иқтисодиётни бошқаришда инсон омилини фаоллаштириш зарурати ва сабабларини асослашнинг илмий-амалий жиҳатларига бағишланган.

Иқтисодиёт соҳаси бўйича Нобель мукофоти лауреатлари Т.Шульц, У.Артур Льюис (1979 й.) ва Г.Беккерлар (1992 й.) ўзларининг таҳлилларида

инсон капиталини ривожлантириш учун инсон омилини фаоллаштиришни асосан таълим, малака ва малакавий тажриба ва мотивлаш билан боғлайдилар⁹.

Тадқиқот ишида муаллиф, менежмент илмининг етук намоёндалари инсон омилини фаоллаштириш иқтисодийни барпо этувчи ва ривожлантирувчи асосий куч сифатида талқин этилганлиги, бу масала ҳамон долзаб аҳамият касб этиб, бу борада муайян ишларни амалга ошириш зарурлигига эътибор қаратади.

Бошқарув ишида демократияни чуқурлаштиришнинг қудратли кучи – инсон омилини фаоллаштириш бўлиб, бу меҳнат ресурслари фаоллиги ва амалий салоҳиятига таянган ҳолда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни юксак савияга кўтариш учун қулай шароитларни вужудга келтиради.

Маълумки, кейинги пайтда инсон меҳнати натижаларини баҳолашда номоддий актив кўринишдаги интеллектуал мулк, яъни илм-фан жадал ривожланмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқиш сифатида бўлган талабнинг ортиб бориши, рақобатнинг кучайиши, инновацион технологияларнинг ривожланиши ишлаб чиқариш жараёнларини муттасил равишда такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бу эса ходимлар тайёргарлигини доимий шай ҳолатда тутиш, инсон омилини янада фаолаштиришни зарурат қилиб қўймоқда. Инсон омили билан боғлиқ кўплаб тадқиқотларнинг таҳлилари, иқтисодийни бошқаришдаги олий мақсад – инсон омилини фаоллаштириш йўли билан ижтимоий-иқтисодий тараққиётни вужудга келтиришнинг муҳим жиҳати сифатида асосланади.

Демак, бошқарув функциясида инсон омилини фаоллаштиришнинг назарий-методологик асосларини илмий таҳлил қилиш ва таснифлаш юзасидан ёндашувлар республикада инсон омилини фаоллаштириш ҳамда инсон тараққиёти индексини баҳолаш ва тартибга солиш орқали бошқарувни демократлаштириш, ўз-ўзини бошқаришни ташкил этиш бўйича тегишли чоратadbирлар ишлаб чиқиш имконини беради.

Иккинчи бобда – **«Бошқарув тизимида инсон омилини фаоллаштириш ва инсон тараққиёти индексини шакллантириш концепцияси»** тадқиқ этилган бўлиб, унда бошқарув тизимида инсон омилини фаоллаштириш ва инсон тараққиёти индексини баҳолаш бўйича илмий асослар ишлаб чиқилган. Бунда инсон омилини бир бутун тизим сифатида шакллантиришнинг ташкилий-таркибий тузилмаси, унинг элементларини ташкил этган инсонийлик сифатлари ва уларнинг ўзаро боғланиш қонунияти ҳамда инсон омили фаоллик даражасини баҳолашнинг стандарт-ташхис мезонларини ўз таркибига олган концепция ишлаб чиқилган.

Инсон омилини, унга нисбатан берилган турли илмий асарлардаги талқинларни умумлаштириб, муаллиф қуйидагича таърифлашни тавсия қилади. Инсон омили – инсон ҳис-туйғулари, ақл-идроки, илми, инсоний сифатлари, маънавий-ахлоқий қадриятлари, табиати, феъл-атвори, меҳнатга муносабати, малака, тажриба, онги, дунёқараши, жисми, соғлиги, ёши, жинси, эътиқоди, руҳияти, қобилияти, майлидан иборат мураккаб синергетик¹⁰ тизимдир.

⁹<http://nl/ek/schultz.htm>.

¹⁰Синергетика – ўзини ўзи ташкил этиш мураккаб тизимлар назарияси.

Инсон омилини ташкил этишда иштирок этувчи энг муҳим ва биринчи даражали инсоний сифатларнинг тизими шакллантирилди. (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал.

Иқтисодиётни бошқаришда инсон омилини ташкил этувчи сифатларнинг ташкилий-таркибий тузилмаси¹¹

Т.р		Инсоний сифатлар			
I. ИНСОНИЙ, МАЪНАВИЙ-АҲЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР					
1.	Инсонпарварлик	8.	Меҳр-мурувват	14.	Донолик
2.	Виждон	9.	Ҳалоллик	15.	Ғайрат-шижоат
3.	Одоб-ахлоқ	10.	Руҳан кучлилик	16.	Камтаринлик
4.	Ор-номус ва андиша	11.	Маънавиятлик	17.	Сабр-қаноат
5.	Саҳийлик	12.	Маданиятлик	18.	Олийжаноблик
6.	Иродалик	13.	Эътиқод-садоқат	19.	Тўғрисиўзлик
7.	Адолатпарварлик				
II. МЕҲНАТГА МУНОСАБАТ					
1.	Меҳнатсеварлик	6.	Интизом	11.	Ташкилотчилик
2.	Малака	7.	Пухталиқ ва сифат	12.	Талабчанлик
3.	Тажриба	8.	Масъулият	13.	Фаоллик
4.	Ишбилармонлик	9.	Фидойилиқ	14.	Бамаслаҳат иш кўриш
5.	Тадбиркорлик	10.	Ташаббускорлик	15.	Хуқуқини англаган.
III. ИЛМ ВА КАСБ-ҲУНАР					
1.	Олий, ўрта, махсус касбий илм	5.	Ғоявий савиясини оширишга интилувчан.	9.	Изланувчанлик
2.	Қобилият ва истеъд.	6.	Мақсадга интилувчан.	10.	Устоз, мураббий
3.	Бир неча илм, касб ва мутахассислик эгаси	7.	Янгиликка интилувчанлик		
4.	Малакавий савиясини оширишга интилувчан.	8.	Илғор фикрловчи		
IV. ШАРОИТ					
1.	Меҳнат	3.	Ҳудудий	4.	Ахлоқий-маънавий муҳит
2.	Оилавий				
V. ИМКОНИЯТ					
1.	Рағбатлантирилиш	4.	Малака ошириш ва ўқитиш	7.	Ошкоралиқ ва Плурализм
2.	Ғамхўрлик кўрсатиш	5.	Эркинлик	8.	Соғлом рақобатчилик муҳити
3.	Ишонч билдириш	6.	Бошқарувда иштирок этиш	9.	Ижтимоий ҳимояланганлик

Бунда инсон омили мажмуи 5 қисмдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз моҳиятига кўра муайян вазифаларни адо этиш вазифаси кўзда тутилган. Ушбу тизимда инсон омили уйғун объект моҳиятига эга бўлди. Инсон омилининг умумий инсонийлик сифатлари турли даражада ўзаро боғланиб, муайян воқеани содир этади. Боғланиш кучини камайиши, ёки йўқолиши ҳодиса ва воқеанинг содир бўлиш ҳолатини камайтиришга, ёки йўқолиб

¹¹Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

кетишига сабаб бўлади. Бу инсон омилини ташкил этувчи инсоний сифатларнинг ўзаро боғланиш қонуниятини¹² деб аталиб, унга шундай таъриф берилди. Инсон омили фаоллик коэффициенти, уни ташкил этувчи инсоний сифатлар кучларининг йиғиндисини унда иштирок этаётган инсоний сифатлар сонига нисбати билан ўлчанади. Бу қуйидаги формулада ўз аксини топди (1):

$$K_{\text{уоф}} = \frac{ИС_{\text{бк}1} + ИС_{\text{бк}2} + \dots + ИС_{\text{бк}n}}{n} \quad (1)$$

бу ерда $K_{\text{уоф}}$ – инсон омили фаоллик коэффициенти; $ИС_{\text{бк}1}, ИС_{\text{бк}2}, ИС_{\text{бк}n}$ – инсоний сифатларнинг боғланиш кучи; n – ўзаро боғланишлар сони.

Ўзаро боғланиш кучи даражаси бирдан кам ёки бирга тенг: $1 \leq 0$. Бунда сифатларнинг ўзаро боғланиши бир ва ноль ўртасида тебранади.

Боғланишнинг бир коэффициентлик кучга яқинлашиши мукамал боғланишни, нолга яқинлашиши эса кучсиз боғланишни содир этади. Бунда ҳар бир сифат ўз табиатига кўра турли даражада боғланади. Шу сабабдан сифатлар ўртасидаги боғлиқлик коэффициенти бирдан кам бўлади ва чексиз равишда бирга интилади (2).

$$ИС_{\text{бк}} \rightarrow 1 \text{ (чексиз 1 га интилади)} \quad (2)$$

Синергетиканинг асосчиси Г.Хакеннинг ҳисоблашича, жамият ҳаёт фаолиятининг барча йўналишлари бўйича ўзини ўзи ташкил этиши, айнан давлатнинг келажакдаги фаолият юритиши асосида ётади. Синергизмнинг моҳияти, бу жамоавий меҳнат натижасини ва жамоа интеллектуал қудратининг яқка ходим, ёки тизимдаги яқка элементга нисбатан самарасини кучайтирилишидир. Яъни бутунликнинг самарадорлиги алоҳида қисмлар самарадорлигидан устунлик қилади.¹³

Мураккаб тизимларнинг ўзини-ўзи ташкил этиш замонавий назарияси жамоатчилик тизимини ўзида мужассам этиб, синергетика вужудга келди. Унинг математик базаси бўлиб, ночизиқли тенгламалар, ўрганиш предмети бўлиб, мураккаб тизимларда ночизиқли ҳодисалар кучли мувозанатсизлик ҳолати орқали ўтувчи бифуракция¹⁴ дир. Нобель мукофоти лауреати И.Пригожин шундай дейди, “Таъкидламоқ жоизки, синергетика – ночизиқли ва номувозанатли мураккаб тизимлардан келиб чиқадиган мураккаб ҳодисалар тўғрисидаги фандир. У кўплаб фанлар математика, физика, химия, биология, иқтисодиёт, социология, тарих каби фанлар билан тутшиб ривожланади¹⁵. Кўплаб тадқиқотчилар шундай фикрга келишганки, замонавий иқтисодиёт синергиянинг минглаб хусусиятларини ўзида намоён этади. Шулардан хулоса қилиб муаллиф инсон омилига шундай таъриф беради: инсон омили турли фан тизимларининг мураккаб ҳодисаларини ўзида жам этган синергетик тизимдир.

¹²Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹³Хакен Г. Синергетика. Перевод с английского канд. физ.-мат. наук В.И. Емельянова под редакцией д-ра физ.-мат. наук, проф. Ю.Л. Климонтовича и д-ра физ.мат. наук С.М. Осовца. – М.: Мир, 1980. - 404 с.

¹⁴Кучли номувозанатлик ҳолати, тартибсизлик, тўс-тўпалон.

¹⁵Пригожин И., Стенгерс И. Порядок из хаоса. Ч.2. –М.: - Прогресс. 1987. - С.:20.

Синергетика инсон омилининг мураккаб тизимидаги жараёнларни янгича баҳолаш, инсон омили фаоллигини баҳолаш моделини яратиш ва мувозанатсизлик шароитида иқтисодий ривожланишни башорат қилиш имконини беради. Изланишнинг навбатдаги босқичида иқтисодиётнинг реал секторида инсон омилини ташкил этувчи сифатларнинг фаоллигини баҳолаш стандарт-ташхис мезонлари ишлаб чиқилган (2-жадвал).

2-жадвал.

**Инсон омили сифатларининг фаоллигини баҳолаш
стандарт-ташхис мезонлари¹⁶**

Ум тр.	Тр	Боғлиқлик кучи	Паст	Ўртача-дан паст	Ўртача	Ўртачадан юкори	Меъёр-да	Сифатлар. солиштирма салмоғи
		Даража қиймати	0,2-0,3	0,4-0,5	0,6-0,7	0,8-0,9	1,0	
I. ИНСОНИЙ, МАЪНАВИЙ - АҲЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР								
1.	1.	Жами 19 та инсоний сифат	0,2-0,3	0,4-0,5	0,6-0,7	0,8-0,9	1,0	1,0
		Жами:	3,8-5,7	7,6-9,5	11,4-13,3	15,2-17,1	19,0	
II. МЕҲНАТГА МУНОСАБАТ								
20.	1.	Жами 15 та инсоний сифат	0,2-0,3	0,4-0,5	0,6-0,7	0,8-0,9	1,0	1,0
		Жами:	3,0-4,5	6,0-7,5	9,0-10,5	12,0-3,5	15,0	
III. ИЛМ ВА КАСБ – ҲУНАР								
35.	1.	Жами 10 та инсоний сифат	0,2-0,3	0,4-0,5	0,6-0,7	0,8-0,9	1,0	1,0
		Жами:	2,0-3,0	4,0-5,0	6,0-7,0	8,0-9,0	10,0	
IV. ШАРОИТ								
45.	1.	Жами 4 та элемент	0,2-0,3	0,4-0,5	0,6-0,7	0,8-0,9	1,0	1,0
		Жами:	0,8-1,2	1,6-2,0	2,4-2,8	3,2-3,6	4,0	
V. ИМКОНИЯТ								
49.	1.	Жами 9 та элемент	0,2-0,3	0,4-0,5	0,6-0,7	0,8-0,9	1,0	1,0
		Жами:	1,8-2,7	3,6-4,5	5,4-6,3	7,2-8,1	9,0	
		Умумий йиғиндиси:	11,4-17,1	22,8-28,5	34,2-39,9	45,6-51,3	57,0	

Жадвалдаги инсоний сифатларнинг солиштирма салмоғи статистик тамайлари асосида бир-бирлик миқдорида қабул қилинди. Уларнинг боғлиқлик кучи 5 та даражада белгиланди.

Амалга оширилган тадқиқотларнинг энг муҳим жиҳати – инсон омилининг фаоллиги ва инсон тараққиёти индексини баҳолаш модели ходимлар салоҳиятини тўғри ва адолатли баҳолаш имконини беради. Натижада кадрларни тўғри танлаш, жой-жойига қўйиш, малакасини ошириш, мотивлашни такомиллаштириш муваффақиятларга эришишнинг муҳим омили сифатида хизмат қилади.

Учинчи боб – **“Инсон омилини фаоллаштириш ва инсон тараққиёти индексини баҳолашнинг кўп омилли ва кўп функцияли инновацион модели”** деб номланиб, бунда бошқарув тизимида инсон ресурслари фаолиятига таъсир этувчи инсоний сифатларнинг тизими, уларнинг ўзаро

¹⁶Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ва жадвалнинг тўлиқ матни диссертацияда берилган.

боғланиш қонунияти, стандарт-ташхис баҳолаш мезони ва вазифалари бўйича ишлаб чиқилган концепциясини амалиётга татбиқ этиш услубияти тақдим этилган. Услубият контекстидан инсон омили инсоний сифатларининг ўзаро боғланиш хусусиятлари, инсоний сифатларнинг алгоритмик жадвал-мажмуаси, инсон омили фаоллиги ва тараққиёт индексини баҳолашнинг кўп омилли ва кўп функцияли инновацион моделлари ўрин олган.

Бошқарув тизимида инсон омилини ташкил этувчи инсоний сифатларнинг ўзаро боғлиқлик даражаларининг алгоритмик жадвалини ишлаш тамойилларини вужудга келтириб, дастурий таъминот учун махсус умумий блок-схема модели ишлаб чиқилган ва уни ишлаш принципларининг математик ифодаси қуйидаги формулалардан иборат бўлди (3-8).¹⁷

1.Инсоний сифатларнинг бевосита боғланиши (горизонталда) алгоритмик жадвал қисмларининг йиғиндилари:

$$bi_1 = \sum_{j=1}^{19} a_{ij}, \quad i = \overline{1,57} \quad (3)$$

$$bi_2 = \sum_{j=20}^{34} a_{ij}, \quad i = \overline{1,57} \quad (4)$$

$$bi_3 = \sum_{j=35}^{44} a_{ij}, \quad i = \overline{1,57} \quad (5)$$

$$bi_4 = \sum_{j=45}^{48} a_{ij}, \quad i = \overline{1,57} \quad (6)$$

$$bi_5 = \sum_{j=49}^{57} a_{ij}, \quad i = \overline{1,57} \quad (7)$$

Бевосита боғланган сифатлар қисмларининг умумий йиғиндиси:

$$Ci = \sum_{j=1}^5 b_{ij}, \quad i = \overline{1,57} \quad (4)$$

$$\sum_{i=1}^{57} ci = 1783 . \quad (5)$$

Инсоний сифатларнинг билвосита боғланиши (вертикалда) алгоритмик жадвал қисмларининг йиғиндилари:

$$bi_1 = \sum_{j=1}^{19} a_{ij}, \quad i = \overline{1,57} \quad (6)$$

¹⁷Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган математик модель қисман берилган ва у диссертация ишида тўлиқ ифодасини топган.

$$bi_2 = \sum_{j=20}^{34} aij, \quad i = \overline{1,57} \quad (7)$$

$$bi_3 = \sum_{j=35}^{44} aij, \quad i = \overline{1,57} \quad (8)$$

$$bi_4 = \sum_{j=45}^{48} aij, \quad i = \overline{1,57} \quad (9)$$

$$bi_5 = \sum_{j=49}^{57} aij, \quad i = \overline{1,57} \quad (10)$$

Билвосита боғланган сифатлар қисмларининг умумий йиғиндиси:

$$C_i^1 = \sum_{i=1}^5 b^1ij, \quad j = \overline{1,57} \quad (11)$$

$$\sum_{i=1}^{57} ci = 1783 = S. \quad (12)$$

s – миқдор, бош жадвалнинг инсон омили элементларининг ўзаро боғланиш қиймати.

Ушбу формулалар меҳнат ресурсларида инсон омили фаоллиги ва тараққиёти индексини баҳолаш моделининг блок схемасини ишлашини таъминлайди. Шунингдек мураккаб тизимдан иборат ночизиқли, номувозанатли инсон омилини сифатларининг ўзаро боғланишдаги парадигмаларини вужудга келтиради.

Бошқарув тизимида инсон омили фаоллигини баҳолашнинг кўп омилли ва кўп функцияли инновацион модели корхоналарнинг келажакдаги мақсадларига эришишини башорат қилиш, шахс (ходим) ўзини-ўзи, корхона ва фирмалар, вазирлик ва компаниялар, маҳаллий бошқарув органлари, давлат бошқарувларини амалга ошириш учун блок-схема ва унинг ишлаш тамойиллари илгари сурилди. Бу инсон омили фаоллигини баҳолашнинг дастурий маҳсулотини ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилади.

“Бошқарув тизимида инсон омилини фаоллаштириш ва инсон тараққиёти индексини баҳолашнинг инновацион механизми” деб номланган тўртинчи бобда иқтисодий бобда иқтисодий бобда инсон омилини фаоллаштириш самарадорлигини иқтисодий сифат йўналишлари бўйича баҳолаш тамойиллари ишлаб чиқилган. Бунда иқтисодий бобда инсон омилини иқтисодий сифат йўналишлари бўйича фаоллик даражасини баҳолашнинг стандарт-ташхис мезонлари, кадрлар тайёрлашдаги роли, инсон омилини ривожлантириш учун ишлаб чиқилган механизмларни такомиллаштириш тамойиллари, иқтисодий бошқарув жараёнларини

интеллектуаллаштиришга инсон омилини фаоллаштириш концепция нуктаи назари билан ёндашув каби масалалар илгари сурилган.

Ходимларда меҳнат фаолияти ва ундаги функцияларни ташкил этишда иштирок этадиган 5-қисмдан иборат инсоний сифатларнинг вариацион қаторлари ишлаб чиқилди. Шулар асосида шахс (ходим)лар бўйича сифат йўналишлари мужассамлаштирилди ва уларнинг мезонлари вужудга келди (3-жадвалга қаранг).

Таблица 3.

Шахсларда инсоний сифатларнинг ўзаро боғланиши бўйича юзага келган сифат йўналишлари ва стандарт мезонлари

Т/р	Сифат йўналишлари	Стандарт мезонлар	Мезонга нисбатан фоизда
I.	Шахс бўйича инсон феъл-атвори ва фаолиятини ташкил этиш	1091,0	100,0
1.	Одоб ва одамийлик хислатларини мужассамлаштириш	656,0	60,4
2.	Ходим (шахс)нинг меҳнатсевар бўлиши	385,0	35,3
3.	Ишбилармонлик ва тадбиркорлик мужассамлаштириш	777,0	71,2
4.	Шахснинг маданиятли ва маънавиятли бўлиши	699,0	64,1
5.	Шахснинг зиёли бўлиши	676,0	62,0
6.	Раҳбарликда зарур бўладиган инсоний сифатлар	1063,0	97,4
7.	Шахснинг кибру ҳаволик ва баджаҳлликка қарши тура олиш даражаси	614,0	56,3
8.	Шахснинг камтаринлик ва ҳокисорлик даражаси	594,0	54,4

Жадвал-мажмуада шахснинг мустақил равишда гармоник ривожланиши учун 44 та инсоний сифат қабул қилинган бўлса, улар ўзаро боғланиши натижасида турли даражадаги 1091 мартага кўпайди. Бу эса бир сифатни умумий тарзда ўртача 24,8 мартага ортиқ маълумотни аниқлаш имконини таъминлади.

Корхоналарда ходимларнинг инсон омили иқтисодий салоҳиятининг вариацион қаторлари ишлаб чиқилди. Шулар асосида ходимлар бўйича инсон омили билан боғлиқ салоҳият йўналишлари шакллантирилиб, уларни баҳолашнинг стандарт-ташхис мезонлари вужудга келтирилган (4-жадвал).

4-жадвал.

Корхоналарда инсон омили билан боғлиқ йўналишлар бўйича баҳолашнинг стандарт-ташхис мезонлари¹⁸

Т/р	Инсон омили билан боғлиқ йўналишлар	Стандарт-ташхис мезонлар	Мезонга нисбатан фоизда
	Корхоналар бўйича инсон омилини ташкил этиш (умумий)	1783,0	100,0
1.	Корхонада меҳнат интизоми даражаси	922,0	51,7
2.	Меҳнат унумдорлиги ва самарадорлик даражаси	1145,0	64,2
3.	Корхонада сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳияти	1296,0	72,7

¹⁸Муаллиф тадқиқоти натижалари.


4.	Жамоада соғлом мухит, ўзаро муносабат, биродарлик даражаси	1268,0	71,1
5.	Меҳнат жамосида корпоротив маданият даражаси	1288,0	72,,2
6.	Инновацион-индустриявий сиёсат юритиш салоҳияти	1239,0	69,5
7.	Ходимларнинг малакали ва тажрибали бўлиши	1093,0	61,3
8.	Раҳбарнинг ходимларга нисбатан муносабати	1568,0	88,0
9.	Ходимларнинг раҳбарга нисбатан муносабати	1086,0	61,0
10.	Ходимларнинг ҳамкасблари ва жамоадошларига муносабати	825,0	46,3
11.	Ходимнинг ўз ютуғига нисбатан муносабати	855,0	48,0
12.	Ходимнинг ўзгалар ютуғига нисбатан муносабати	510,0	28,6

Корхоналарда ходимлар фаоллиги асосидаги йўналишлар шакллантирилиб, уларнинг баҳолаш стандарт-ташхис мезонлари вужудга келтирилди. Бу эса инсон омили бўйича корхоналар салоҳиятини баҳолаш имконини вужудга келтирди. Инсоний сифатларнинг интеграллашуви натижасида инсон омилидан фойдаланиш имконияти 32 марта кенгликда ташкил этади.

Ходимларнинг инсон омили фаоллигини баҳолаш юқоридаги тамойил асосида ва объективлигини таъминлаш мақсадида якуний баҳо уч вектор тамойили асосида қурилди (1-расм).

- биринчи вектор (РБ) ходимнинг раҳбар томонидан баҳоланиши;
- иккинчи вектор (ХБ) ходимнинг ҳамкасабалари томонидан баҳоланиши;
- учинчи вектор (ЎЎБ) ходимнинг ўзини ўзи баҳолаши.

Якуний баҳолаш (ЯБ) ана шу учта баҳолашнинг ўртачасини ташкил этади. Бу билан ходимларнинг инсон омили фаоллигини баҳолаш уч томонламалик фикр асосида амалга оширилади.



1-расм. Инсон омили фаоллигини баҳолаш векторлари

Бундай усулдан фойдаланиш ходимнинг уйғун ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Жамоада ходимлар бир-бири билан ўзаро боғланади, яъни улар интеграллашади, яхлитликдаги ривожланиш жараёни вужудга келади.

Муаллифнинг фикрича, меҳнат жамоаларида инсон омили фаоллиги қанчалар тўғри ва адолатли баҳоланиши, жамоанинг иш фаолиятини шунчалар тўғри ва самарали ташкил этиш имконини беради. Меҳнат жамоасининг ютуқлари инсон омили фаоллигини ҳаққоний баҳолашга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Инсон капитали бўйича тадқиқот олиб борган олимларнинг асосан ишларида таълим ва малакани оширишга йўналтириладиган инвестициянинг қайтим даражасини ҳисоблаш асосига қурилган. Т.Шульцнинг инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган моделини кўриб чиқайлик(13).¹⁹

$$G_y = r_p(I_p/Y) : r_1(I_1/Y) + r_2(I_2/Y) + r_3(I_3/Y) + G_L S_L \quad (13)$$

бунда G_y – миллий даромаднинг ўсиш суръати; Y – миллий даромад; I_p – моддий капиталга инвестиция; r_p – моддий капиталга қилинган инвестицияларнинг қайтим нормаси; $I_1 I_2 I_3$ – мос равишда бошланғич, ўрта ва олий таълимга инвестициялар; $r_1 r_2 r_3$ – мос равишда бошланғич, ўрта ва олий таълимга инвестицияларнинг қайтим нормаси; G_L – бандлар сонининг ўсиш суръати; S_L – миллий даромадда меҳнатнинг улуши.

Ушбу модель таълимнинг иқтисодий ўсишга таъсирини баҳолашга мўлжалланган. Бунда моддий капиталга қилинган инвестициянинг қайтим нормаси, бошланғич, ўрта ва олий таълимга инвестиция йўналтириш ва уларнинг қайтим нормалари ҳисобга олинган бўлиб, иш билан бандлар сонининг ўсиши, миллий даромадда меҳнат улушининг ортиши кўзда тутилган.

Ушбу модель билан тадқиқотчи томонидан таклиф этилаётган инсон омили фаоллигини баҳолаш модели ўртасида тубдан фарқ мавжуд. Дунёнинг етакчи олимлари томонидан инсон капиталини ривожлантириш учун таълимга инвестиция йўналтирилиб, ундан келадиган самарага кўз тикилса, тавсия этилаётган моделда инсон капиталини ривожлантириш учун инвестиция йўналтиришдан аввал, инсон омилини ҳаққоний баҳолашга эътибор қаратади. Натижага кўра, ходимнинг фаоллигини ошириш бўйича зарур бўладиган жиҳатлар аниқланиб баҳоланади. Сўнг уни ўқитиш, малакасини ошириш ёки бошқа ишларни амалга ошириш заруратига қараб, унга инвестиция йўналтирилса, ундан келадиган самарани олдиндан башорат қилиш мумкин бўлади. Бу инсон омилини фаоллаштириш учун йўналтириладиган инвестиция самарадорлигини ошириш ва унда содир бўлиши мумкин йўқотишлар, ҳатарларнинг олдини олишда кафолат вазифасини ўтайди. Бунинг учун ходимларнинг инсон омили фаоллигини баҳолаш учун диссертация ишининг Ўзаро боғланиш қонунияти бобида инсон омили фаоллик коэффициенти $-K_{\text{оф}}$ ишлаб чиқилган(1-формулага қаранг).

Тадқиқотчининг фикри бўйича Т.Шульц моделининг умумий аҳамиятини камайтирмаган ҳолда айтиш мумкинки, ушбу моделда инсон омилининг фаоллик коэффициенти ҳисобга олинган эмас. Шу сабабдан диссертация ишида тавсия этилган инсон омилининг фаоллик коэффициенти $-K_{\text{оф}}$ ни Т.Шульцнинг моделида ҳам қўлланилса, у янада такомиллашган ҳолатга келиб, самара юқори

¹⁹ Экономика–математический энциклопедический словарь / Гл. ред. В.И. Данилов-Данилян. – М.: ИНФРА – М. 2003, - С.586.

ва инсон капиталига қилинган инвестициянинг қайтимини башорат (прогноз) қилиш ҳақиқатга яқин даражада бўлади. Ушбу хулосалардан келиб чиққан ҳолда инсон омили фаоллигини баҳолаш бўйича муаллиф томонидан ишлаб чиқилган коэффицентни – $K_{\text{иоф}}$ Т.Шульцнинг математик ифодасида қўллаб ҳисоблаш таклифи илгари сурилади (14).²⁰

$$G_y = K_{\text{иоф}} (r_p(I_p/Y) : r_1(I_1/Y) + r_2(I_2/Y) + r_3(I_3/Y) + G_L S_L) \quad (14)$$

Бу билан энди инсон омилини ташкил этувчи инсоний сифатларнинг ўзаро боғланиш қонунияти ишламоқда, инсонга хос равишда ўзини-ўзи ташкил этиш имконияти, яъни синергия вужудга келади. Илм ва малака оширишга йўлланаётган ходимда ҳар доим ҳам инсон омили юқори даражада ривожланган бўлмайди. Т.Шульцнинг модели таълимнинг иқтисодий ўсишига таъсирини бир-бирлик даражада олиб қараган. Амалда ҳеч қачон бир-бирлик даражадаги ўсишга эришиб бўлмайди. Чунки шахслар турли тоифадаги инсоний сифатлар ва касб маҳоратидан ташкил топган бўлади. Уларнинг ҳаракати ночизиқли, номувозонтли тартибсиз натижалардан иборатдир. Шу сабабдан ҳам ходимларнинг фаоллик даражасини уларнинг инсонийлик сифатларининг ўртача қиймати ҳолатидан келиб чиққан ҳолда баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Яна шу нарсани таъкидламоқ жоизки, таклиф этилаётган инсон омили фаоллик даражаси коэффицентини қўллаш билан Т.Шульц моделининг аҳамиятига ҳеч қандай путур етказмаган ҳолда ундан келадиган натижавий самара юқори, ҳақиқатга яқин ва мос даражада баҳолаш имкониятини беради.

Г.Беккер ўз ишларида ходимга оддий меҳнатнинг бир-бирлик даражадаги комбинацияси ва унда мужассам топган маълум миқдордаги “инсон” капитали сифатида қарайди. Унинг иш ҳақи унинг оддий меҳнатига мос келадиган бозор баҳоси ва инсон инвестициясига қўйилган даромаддир. Демак, Беккернинг берган баҳоси ва бошқа тадқиқотчиларнинг ҳисоб-китоби бўйича ходим даромадининг асосий қисмини инсон капитали келтиради. Ходим даромадини инсон капиталидан фоиз олиш билан қўйидагича ифодалаш мумкин (15).²¹

$$Y_i = (W : P_i)(1 + R) T_i + X_i + E_i \quad (15)$$

бунда Y_i – ходимнинг даромади i ; $(W : P_i)$ – ходимнинг оддий меҳнати баҳоси – i (“оддий” ходимларнинг инвестиция йиғиндисини “оддий” ходимлар сонига нисбати); R – инсон капиталига қўйилган фоиз (даромад); T_i – ходимга i вақтинчалик давр учун қўйиладиган капитал; X_i – ходимнинг хусусиятларини ҳисобга олувчи (ақлий ва жисмоний) иш жойининг параметрлари (характеристикаси) меҳнат бозоридаги ёлланиш шарти; E_i – ходимга таъллукли хатолик ва оғиш коэффицентини.

Бу ерда ходимга инвестиция $(W : P_i)$ – таълим, ишлаб чиқаришда ўқитиш, хавфсизлик, саломатлик, миграция ва ҳк.) лар харажатлари йиғиндисига тенг. Мана бунга эътибор қаратадиган бўлсак, E_i – ходимга таъллукли хатолик ва

²⁰Муллифнинг Т.Шульц моделини такомиллаштириш бўйича таклифи.

²¹Williamson O. The Economic Institutions of Capitalism: Firms, Markets, Relational Contracting. N.Y., 1985; Портер Майкл. Конкуренция. –М.:Вильямс, 2003.

оғиш коэффициенти тавсия этилмоқда. Бундай ҳолат ҳаётда ва ишлаб чиқаришда доимий мавжуд ва буни муаллиф илғашга муваффақ бўлган. Бу мазкур тадқиқот ишида илгари сурилган инсон омилининг фаоллик коэффициентига яқин келади.

Жаҳондаги турли мамлакатларда турмуш сифатини баҳолаш учун покстонлик иқтисодчи Маҳбуб ул-Хақ²² бошчилигидаги БМТ экспертлар гуруҳи томонидан интеграл кўрсаткич – Инсон тараққиёти индекси (ИТИ) ишлаб чиқилди.

ИТИнинг ҳисоблаш усули бўйича комплекс кўрсаткичлардан учтасининг ўртача арифметик қиймати олинади. Бу экспертлар томонидан баҳоланадиган БМТнинг миллий статистик маълумотлари ва ҳисоботлари кўрсаткичларига таянилади:

1. Муайян давр учун шкала бўйича 25 дан 85 ёшгача кутилаётган ҳаёт давомийлиги;

2. Катта ёшдагиларнинг ўрта таълим олишга имконияти ва мувофиқ ёш гуруҳлардаги ўқувчиларнинг барча даражадаги таълимда иштирок этиш улуши;

3. Реал ЯИМнинг одам бошига тўғри келадиган миллий валютанинг АҚШ доллари қийматига тўғри келадиган эквиваленти.

Тавсия этилаётган инсон омили фаоллигини баҳолаш тизимидаги 44 та инсоний сифатдан атиги 4 тасигина (олий, ўрта, махсус касбий илм, бир неча илм, касб ва мутахассислик эгаси, малакавий савиясини ошириш, гоъвий савиясини ошириш) ривожлантириш учун муайян инвестицияни талаб қилади. Қолганлари эса инвестиция талаб қилмайди, уларни фақат тарбия йўли, маслаҳат ва ҳар бир ходим ўзининг инсонийлик нуқтаи назари, ўз-ўзини англаши, ўз-ўзини тарбиялаши, ўз-ўзини ташкил этиши каби ёндашувлар орқали фаоллаштирилади.

Биз юқорида тилга олган улкан олимлар инсон омили ва инсон капиталини ривожлантиришда айнан инвестиция талаб қилинадиган қисмларига мурожаат этиб, ундан келадиган самарани исботлашган. Лекин инвестиция талаб қилмайдиган ва иқтисодий-ижтимоий аҳамиятининг мутлақо ўлчови ва баҳоси йўқ инсоний сифатлар эса эътибордан четда қолиб кетмоқда. Аслида инсоннинг инсонийлик қиймати ана шу инсоний сифатларининг ривожланганлик даражаси билан ўлчанади.

БМТнинг инсон тараққиёти индексини таҳлил қиладиган бўлсак, унда биринчи навбатда “Муайян давр учун шкала бўйича 25 дан 85 ёшгача кутилаётган ҳаёт давомийлиги” ҳисобга олинади. Бунда албатта мамлакатда соғлиқни сақлаш ишларини йўлга қўйиш кўзда тутилади. Агар бунда энг аввало инсон илмли бўлиб, ўз саломатлиги йўлида қайғуриш даражасидаги илмга эга бўлмаса, инсон омили фаоллаштирилиб, унинг тараққиёт индекси ривожланмаса, яъни шу мамлакат фуқароларидан етук соғлиқни сақлаш мутахассислари етишиб чиқмаса бу борада айтарлик муваффақиятга эришиб бўлмайди.

²² Маҳбуб ул-Хақ (1934-1996) – покстонлик таниқли иқтисодчи, Инсонни ривожлантириш маърузасининг асочиси, “Иқтисодий режалаштириш стратегияси”, “Инсонни ривожлантириш тўғрисида мулоҳазалар”, “Ривожлантириш мақсадларида ҳамкорлик учун янги асослар” асарларининг муаллифи.

Иккинчи бандда “Катта ёшдагиларнинг ўрта таълим олишга имконияти ва мувофиқ ёш гуруҳлардаги ўқувчиларнинг барча даражадаги таълимда иштирок этиш улуши”га эътибор қаратадиган бўлсак, бунда таълимга эътибор қаратилишига урғу берилмоқда. Таълим – инсон омилини фаоллаштириш ва инсон тараққиётини ривожлантириш билан боғлиқ масала. Лекин бунда тенгсизлик мавжуд бўлиб, барча ҳам бирдай таълим олиш имкониятига эга бўлавермайди. Бундаги асосий ҳаракат мавжуд тенгсизликни бартараф этишга қаратилиши зарур.

Учинчи бандда эса “Реал ЯИМнинг одам бошига тўғри келадиган миллий валютанинг АҚШ доллари қийматига тўғри келадиган эквиваленти” деб аталади. Бу ҳам эса инсон тараққиёти индексини тўғри баҳолаш имконини бермайди. Иқтисодиёти нефть ва бошқа табиий бойликлар билан боғлиқ мамлакатларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ кўрсаткичи ҳам инсон тараққиёти борасидаги аҳволни тўғри баҳолаб бермайди.

Буларни БМТнинг ИТИни акс эттирувчи фикрларини формулага соладиган бўлсак қуйидаги кўринишга эга бўлади (16, 17).

$$\text{ИТИ} = \frac{X_d + T + \text{ЯИМ}}{3} \quad (16)$$

Қуйида биз:

$$K_{\text{уоф}} = \frac{IS_{\text{бк1}} + IS_{\text{бк2}} + \dots + IS_{\text{бкn}}}{n} \quad (17)$$

формулани тавсия этган эдик.

Бу ерда $K_{\text{уоф}}$ – инсон омили фаоллик коэффициенти; $IS_{\text{бк1}}, IS_{\text{бк2}}, IS_{\text{бкn}}$ – инсоний сифатларнинг боғланиш кучи; n – ўзаро боғланишлар сонини кўрсатдик. Бунда инсон омилини фаоллаштириш ва инсон тараққиёти индексини баҳолаш тизимида ҳар бир кишида инсонийлик сифатларининг 44 та элементи ҳисобга олинган. Бунда инсон омилини фаоллаштириш ва инсон тараққиёти индексини баҳолаш тизимида ҳар бир кишида инсонийлик сифатларининг 44 та элементи ҳисобга олинган. Шунинг учун биринчи галда ушбу коэффициентни БМТнинг ИТИ формуласининг коэффициенти сифатида қўллаш керак. Бу эса асл ҳолатни ҳақиқатга яқин даражада яқинлашиш имконини беради. Иккинчи вариантда эса БМТ миқёсида тўлалигича тавсия этилаётган формулани қўллаш мақсадга мувофиқ.


$$K_{\text{ачф}} = \frac{CK_{\text{св1}} + CK_{\text{св2}} + \dots + CK_{\text{свn}}}{n} \quad (18)$$

Чунки бунда ҳар бир индивид ўз салоҳияти устида изланади. Унинг натижалари бўйича ҳар бир мамлакатдаги инсон тараққиёти индекси, ҳатто ҳар бир шахс ва ходимнинг инсон тараққиёти индексини ҳақиқатга энг яқин даражада баҳолаш имконини беради. Бу борада юзага келиши мумкин бўлган тенгсизлик ва ҳатоликлар минимумлашади.

Таҳлиллар натижаси бўйича муаллифнинг фикрига кўра, шу даврга қадар ишлаб чиқилган инсон капиталини баҳолаш механизмларида инсоннинг ўзида мавжуд бўлган сифатлар комплекс шаклга келтирилиб фойдаланилган эмас ва инсон омилининг фаоллик даражаси етарли даражада ҳисобга олинмаган.

Илмий ишда илгари сурилган инсон омилининг фаоллик коэффиценти мавжуд моделларга ҳам жорий этилса, улар такомиллашган ҳолга келиб, самара шубҳасиз юқори бўлади. Таҳлиллар натижаси бўйича муаллифнинг фикрига кўра, шу даврга қадар ишлаб чиқилган инсон капитални баҳолаш механизмларида инсоннинг ўзида мавжуд бўлган сифатлар комплекс шаклга келтирилиб фойдаланилган эмас ва инсон омилининг фаоллик даражаси етарли даражада ҳисобга олинмаган. Илмий ишда илгари сурилган инсон омилининг фаоллик коэффиценти мавжуд моделларга ҳам жорий этилса, улар такомиллашган ҳолга келиб, самара шубҳасиз юқори бўлади.

Тадқиқотнинг навбатдаги босқичи инсон омилининг фаоллик даражасини баҳолаш ва электрон бошқарувни жорий этиш механизмини яратишга асос бўлади. Механизм менежмент илми ва фаолиятини ягона платформага олиб чиқиб, менежментнинг барча функция ва усуларини ўзида жам этган кенг қўламли инновацион бошқарувни амалга ошириш имконини беради (2-расм).




2-расм. Инсон омилини фаоллаштиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми фаолиятини ташкил этиш концептуал схемаси.²³

Бошқарув платформаси бошқарув фаолиятини автоматлаштириш ахборот технологиялари ёрдамида ахборот ва маълумотларни қайта ишлаш, сақлаш, ҳамда қидирувни амалга оширадиган “электрон офис”ни ташкил этишни тақозо этади. Электрон офис – бошқарув меҳнатини автоматлаштириш ва бошқарувчиларни ахборот билан яхшироқ таъминлаш имконини беради. Бу билан эса “электрон бошқарув” шаклланади, автоматик бошқарув тизими (АБТ) вужудга келади. Натижада АБТ глобал миқёсдаги бошқарув функцияларини амалга ошириш вазифасини ўз зиммасига олади. Яъни, автоматик тарзда ҳаққоний, интеллектуал қарорлар қабул қилиш йўлларини кўрсатиб беради.

Ходимларни вектор баҳолаш ва шаффоф электрон бошқарув схемаси ишлаб чиқилди (3-расм).

²³Муаллиф ишланмаси



3-расм. Ходимларни вектор баҳолаш ва шаффоф (трансфферент) электрон бошқарув схемаси

Ходимларнинг инсон омили фаоллиги энг қуйи звенодан бошланиб, у ўзидан кейинги поғоналарга, ҳатто бошқарувнинг энг юқори иерархиясигача ўзгаришсиз соф ҳолатда етиб боради. Бу билан вазиятни тўғри ва адолатли баҳолаш имкони вужудга келади ҳамда ҳаққоний қарорлар қабул қилиш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бу шаффоф тизим бўлиб, ундаги ҳар бир тузилма ўз маълумотларини ўзидан кейинги бошқарув тизимига узатади. Ҳар бир юқори бошқарув тузилмаси тескари алоқа йўли билан ўзининг қуйи ташкилотларининг энг майда ячейкалари, ҳатто ходимларининг маълумотларига қадар кириб бориш имконига эга бўлади. Бунда менежментнинг 5 та функциясини, яъни: режалаштириш, ташкил этиш, мувофиқлаштириш, назорат қилиш, мотивлаштиришни ҳақиқатга энг яқин даражадаги тўғри танлови шакллантирилади.

Демак, инсон омилининг ташкилий-таркибий тузилмаси ва архитектураси, ундаги инсоний сифатларнинг ўзаро боғланиш қонунияти, инсоний сифатларни баҳолашнинг стандарт-ташхис мезонлари, уларни амалда қўллаш тамойиллари, моделлари ва услубиятларининг узвий кетма-кетликдаги боғланган тизимининг ишлаб чиқилганлиги бошқарув тизимида инсон омилининг фаоллик даражасини баҳолаш механизмини вужудга келтирди. Натижада ушбу механизм инсон омилини фаоллаштириш ва инсон тараққиёти индексини ошириш орқали республикада демократик бошқарув тизимини такомиллаштириш ва реал иқтисодиётни баравж ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

ХУЛОСА

Диссертация тадқиқоти доирасида олиб борилган изланишлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Инсон омилининг илмий-методологик асосларининг таҳлилари, илмий менежмент таълимотининг илк даврдан бошлаб бошқарув ишларини самарали ташкил этиш учун инсон омилини фаоллаштиришга бевосита ва билвосита эътибор қаратилганлигини кўрсатди. Иқтисодий модернизациялаш шароитида ходимларни ҳар томонлама тайёргарлигини ошириш ва иқтисодий бошқаришнинг олий мақсади энг аввало инсон омилини фаоллаштириш билан ижтимоий-иқтисодий тараққиётни амалга оширишнинг воситаси сифатида илмий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан асослаб берилган.

2. Методологик нуқтай назардан инсон омилини фаоллаштириш ва инсон тараққиёти индексини баҳолашни мақбул ташкил этишда ташкилий-таркибий тузилма, унинг элементларидан иборат инсонийлик сифатлари ҳамда уларнинг ўзаро боғланиш қонунияти ва инсон омили фаоллик ҳамда тараққиёт даражасини баҳолашнинг стандарт-ташхис мезонларини ўз таркибига олган концепция ишлаб чиқилган.

3. Меҳнат жамоаларининг иқтисодий салоҳияти инсон омилини ташкил этувчи инсоний сифатлар мажмуаси тизимида шаклланади. Бунинг учун инсонларнинг меҳнат жараёнида зарур бўладиган фаолиятини ташкил этишда энг дастлабки муҳим сифатлар танлаб олинди. Бундан кўзланган асосий мақсад, менежмент функциясида инсон омилини фаоллаштирувчи инсоний сифатлардан фойдаланишда тарқоқ ҳолда эмас, мажмуа тарзида фойдаланиш имконини беради. Натижада инсон омили яхлит ва уйғун объект сифатида гавдалантирилган.

4. Инсон омилини ташкил этувчи инсоний сифатларнинг ўзаро боғланиш мезонларини топиш долзарб, чунки инсон омилининг умумий инсонийлик сифатлари турли даражада ўзаро боғланиб, муайян воқеани содир этади. Шунинг учун инсон омилини фаоллаштириш жараёнларини ўрганишни амалга ошириш мақсадида инсон омили инсоний сифатларининг ўзаро боғланиш қонунияти илгари сурилган.

5. Инсон омилининг фаоллик даражаси миқдорий ўлчамининг эквиваленти сифатида инсон омилининг фаоллигининг стандарт-ташхис мезонлари ишлаб чиқилди. Чунки айнан ушбу мезонлар асосида корхоналардаги меҳнат ресурслари салоҳиятини инсон омили фаоллиги асосида баҳолаб, бошқарув функцияси, вазифалари ва стратегиясидаги мавжуд масалаларни тизимли ва комплексли ёндашув орқали ечиш имкони вужудга келган.

6. Ўз-ўзини ташкил этиш мураккаб тизимлар назарияси – синергетиканинг элементларини иқтисодий бошқаришда ходимларнинг инсон омилини фаоллаштиришда қабул қилиниши лозим. Бу инсон омилининг мураккаб тизимидаги жараёнларни янгича баҳолаш, инсон омили фаоллигини баҳолаш моделини яратиш, нотекис шароитда иқтисодий ривожланишни башоратлаш каби ишларни амалга ошириш имконияти яратилган.

7. Субъектлар иқтисодий салоҳиятини баҳолаш эквиваленти ва умумий миқдорий ўлчови бўлиб, инсон омили ва уни ташкил этувчи инсоний сифатларнинг фаоллик коэффициенти хизмат қилади. Инсон омилининг фаоллигини баҳолаш стандарт-ташхис кўрсаткичларини иқтисодийётни бошқаришдаги функцияларини ташкил этишга киришишнинг асосий манбаи сифатида қўллашнинг модели тавсия қилинган.

8. Инсон омилини фаоллаштириш йўли билан ресурс ва хизматларнинг унумдорлиги, сифатининг ортиб боришини таъминлаш ва улардан интенсив фойдаланиш натижасида максимал даражадаги ишлаб чиқариш қобилиятини шакллантириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган.

9. Бошқарув тизимида ходимларни адолатли баҳолашни амалга ошириш учун инсон омили фаоллиги ва тараққиёти индексини вектор баҳолаш усулини қўллаш зарур. Бу меҳнат жамоалари фаолиятини муваффақиятли ва самарали ташкил этиш, ходимлар салоҳиятини тўғри ва адолатли баҳолаш имкониятининг мавжудлиги, кадрларни тўғри танлаш, жой-жойига қўйиш, малакасини ошириш, мотивлаш тизимини такомиллаштириш, муваффақиятларга эришишда амалий таъсир кўрсатишга хизмат қилиши асосланган.

10. Корхоналардаги ходимлар салоҳиятини аниқлаш ва иқтисодий сифат йўналишлари бўйича инсон омили фаоллиги ва тараққиёти индексини баҳолашнинг кўп омилли ва кўп функцияли моделини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади. Бундай модель бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнида уларнинг иқтисодий салоҳиятини мувофиқлаштириш бўйича меҳнат жамоаларидаги аҳволни ва имкониятларни ўз вақтида аниқлаш, стратегияни танлаш ва тўғри хулосалар қилишга имкони яратилган.

11. Бошқарувда инсон омилининг инсоний сифатларини ўзаро боғлиқликдаги даражаларини ташкил этиш учун тақдим этилган алгоритмик жадвалларнинг ишлаш тамойилларидан фойдаланишни йўлга қўйиш зарур. Бунинг учун махсус умумий блок-схема ишлаб чиқилган бўлиб, у иқтисодийётни бошқаришда инсон омили фаоллигини баҳолашнинг дастурий таъминотини яратиш усуллариининг асоси бўлиб хизмат қилади ва корхоналарнинг иқтисодий салоҳиятини янада ривожланишини башорат қилиш имконини беради.

12. Ишлаб чиқилган кўп омилли алгоритмик-моделдан инсон омилини фаоллаштириш усуллариининг бошқарув амалиётида фойдаланиш тамойиллари кўрсатиб берилган. Бунда шахс(ходим) ва корхоналарда меҳнат ресурсларининг турли функциялар бўйича ривожланиш тенденцияларини таҳлил этиш имкониятларига эга бўлади. Бу билан инсон омилини фаоллаштиришнинг умумий қонуниятларини келтириб чиқариш ва хусусий хулосалар қилиш имкониятлари кўрсатиб берилган.

13. Корхоналар салоҳиятини аниқлашда инсон омилини фаоллаштириш механизми орқали инсон омили самараларидан фойдаланишни йўлга қўйиш муҳимдир. Чунки механизм ёрдамида кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, инсон омилини ривожлантириш ва иқтисодий бошқарув жараёнларини интеллектуллаштиришда хизмат қилиши далилланган.

14. Инсон капиталини баҳолашнинг мавжуд механизмларини тадқиқот ишида ишлаб чиқилган инсон омили фаоллигини баҳолаш коэффицентини қўллаш билан такомиллаштириш мумкин. Чунки инсон капиталини баҳолашнинг айрим моделлари таҳлилларининг кўрсатишича, уларда ходимлардаги инсон омили фаоллиги ҳисобга олинган эмас. Амалдаги механизмларда ҳам инсон омили фаоллиги коэффицентини қўллаш механизмларини такомиллаштириш ва улардан келадиган самараларни аниқ ва ҳақиқатга яқин даражада баҳолаш имконини беради. Бу инсон капиталини ривожлантириш учун йўналтирилган инвестициянинг қайтим нормасини таъминлашда ва турли эҳтимолий ҳатар ва йўқотишларнинг олдини олишда кафолат бўлиб хизмат қилиши асосланган.

15. Ишлаб чиқилган инсон омилини фаоллаштириш механизми иқтисодиётни бошқариш тизимлари, ташкилий шакллари, хўжалик механизми, ҳамда бошқарув услублари, бошқарув техника ва технологиясининг илмий-амалий асосларини ўрганишни ташкил этади. Бошқарув фаолиятининг умумий қонуниятлари ва тамойиллари, бошқарув тизимига таъсир этувчи усулларини шакллантиради, бошқарув аппаратининг аниқ вазиятлардаги ҳаракатларини умумлаштиради. Иқтисодиётни бошқаришнинг илмий ва амалий томонларини ўрганади. Шу сабабдан ишлаб чиқариш фаолиятининг барча қирраларини бутун бир мажмуа кўринишида, илмий таҳлил, мантиқий услуб асосида бошқаришнинг асосий қонуниятлари ҳамда услубиятлари таклиф этилган.

16. Инсон омилини фаоллаштириш ва инсон тараққиёти индексини баҳолаш концепцияси бошқарув тизимини рақамлаштириб, “Электрон бошқарув” дастурий маҳсулот асослари яратилган. Механизмнинг тамойили бошқарув жараёнларини интеллектуаллаштириб, менежмент илмининг функция ва усулларини ҳамда бошқа жиҳатларини битта платформада яхлит тарзда қараб, муайян қарорлар ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилади.

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of publications

I бўлим (I часть; I part)

1. Мадалиев А.А. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти миллий моделини яратиш асослари. Монография. – Т.: Фан, 2004. – 127 б.
2. Мадалиев А.А. Инсон омили ва тараққиёт. Монография. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари Миллий жамияти нашриёти, – 128 б.
2. Мадалиев А.А. Теоретические и практические основы активизации человеческого фактора. Монография. – Т.: Государственное научное издательство Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2010. – 210 с.
3. Мадалиев А.А. Таълим ва тарбия уйғунлиги – комил инсонни шакллантириш гарови. Монография. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2011. – 100 б.
4. Мадалиев А.А. Гармонизация образования и воспитания – залог формирования развитого человека. Монография. – Т.: Государственное научное издательство “Национальная энциклопедия Узбекистана”, 2012. – 100 с.
5. Мадалиев А.А. Ўзаро боғланиш қонуни ва оламнинг шаклланиши. Монография. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2012. – 118 б.
6. Мадалиев А.А. Закон взаимосвязи и формирование вселенной. Монография. – Т.: Государственное научное издательство “Национальная энциклопедия Узбекистана”, 2012. – 104 с.
7. Мадалиев А.А. Человеческий фактор: развития, совершенство и прогресс. Монография. – Германия, Lambert Academic Publishing, 2017, 243 р.
8. Мадалиев А.А. Агросаноат секторини комплекс ривожлантириш концепцияси. Монография. – Т.: Наврўз, 2020. – 208 б.
9. Мадалиев А.А. Агросаноат секторида бошқарувни демократлаштириш концепцияси. Монография. – Т.: Наврўз, 2020. – 220 б.
10. Мадалиев А.А. Агросаноат ишлаб чиқаришини илм-фан билан интеграциялаш ва таълимни янада такомиллаштириш концепцияси. Монография. – Т.: Наврўз, 2020. – 228 б.
11. Мадалиев А.А. Агросаноат секторида илмий-техник тараққиёт ва инновацияни ривожлантириш концепцияси. Монография. – Т.: Наврўз, 2020. – 260 б.
12. Мадалиев А.А. Инновация ва тараққиёт. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2005. – №5. – Б. 6.(08.00.00; №5);
13. Мадалиев А.А. Фермер хўжалиқларида бошқарув. //Агроилм – Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2007. – № 3. – Б. 48.(08.00.00; №15);
14. Мадалиев А.А. Ижтимоий аҳволни яхшилаш – долзарб масала. //Агроилм – Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2007. – № 4. – Б. 55.(08.00.00; №15);

15. Мадалиев А.А. Совершенствование управления фермерским хозяйствам. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2008. – №3. – Б. 29 (08.00.00; №5);
16. Мадалиев А. Инсон омилини фаоллаштиришнинг ғоявий асослари ва амалиётдаги ўрни. //Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2015. – №3. – Б 4-7 (08.00.00; № 11);
17. Мадалиев А. Инсон омилини фаоллаштиришнинг ҳуқуқий аҳамияти (285 кв.). //ТДИУнинг “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали – Тошкент, 2015. – №2 март-апрель. Ижтимоий сиёсат ва аҳоли бандлиги қисми (08.00.00; №10).
18. Мадалиев А. Инсон капитали салоҳиятини ошириш ва мотивлаштиришнинг аҳамияти (395 кв). //ТДИУнинг “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали – Тошкент, 2015. – №5 сентябрь-октябрь. Ижтимоий сиёсат ва аҳоли бандлиги қисми (08.00.00; №10).
19. Мадалиев А. Человеческий фактор и его роль в социально-экономическом развитии. //Наука и практика. – Москва, 2016. – №1 (21). – С. 82-85 (08.00.00; № 19).
20. Мадалиев А.А. Закон взаимосвязи человеческих качеств человеческого фактора. //Экономика и предпринимательства – Москва, 2016. – №2 (ч.2). – С. 1101-1104 (08.00.00; №29).
21. Мадалиев А.А. Success of management is stimulation of human factor.//SAARJJournal on Banking & Insurance Research (SJBIR)– New Delhi, India, Vol 5, Issue 2, March 2016. – P.17-24 . (08.00.00; №9. Global impact factor: 2.380).
22. Madaliev A.A., Botirov E.X., Saidova D.N., Khasanov N., Kholmukhamedova Z.B.. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 04, 2020 (skopus). Development tendency of the government and prospects of improvement.
23. Madaliev A.A., Karshiev Sh.E., Djumonov D.S., Kamolova R. A., Turdibaev A.I. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 04, 2020 (skopus). Development of the principles and practice of human factor.
24. Мадалиев А.А. Интеграция: манфаатдорлик ва самарадорлик. //“Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” – 2018. №2, 115-117.
25. Мадалиев А.А. Режали иш – бежоғли иш. // Агроилм – Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги – 2018. № 2.
26. Мадалиев А.А. Мувозанат ва мутаносиблик – ҳамкорлик меъёри. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали, 2018, №8.
27. Мадалиев А.А. Илм-фан ва инновация – тараққиёт омили.// “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали– 2020. №1, 3 б.
28. Мадалиев А.А. Агрокооперация – муаммолар ечими //“Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали– 2020. №2, 41-42 б.

II бўлим; (Ичасть; Иpart)

29. Мадалиев А.А. Бозорни билиш, унга мослашиш ва таъсир ўтказиш. //Ўзбекистон кишлок хўжалиги. – Тошкент, 2006. – №8. – Б. 7.(08.00.00; №5);
31. Мадалиев А.А. Актуальность активизации человеческого фактора. //Экономики и финансы. – Москва, 2008. –№10. – С. 47-48.
32. Мадалиев А.А. Общественное самоуправление экономикой. //Экономики и финансы. – Москва, 2008. - №10. – С. 49-50.
33. Madaliev A. Development innovations in Uzbekistan (Развития инновации в Узбекистане). //Russian Central Asian & East European Market. Beijing. 2011. –Р. 49-50.
34. Абдурахмонов А.А., Мадалиев А.А. Жамоатчилик автотранспортида йўловчи ташиш маданиятини ошириш омиллари. //Ўзбекистон Республикасида автомобиль ва йўллар комплексининг тараққиёти: Республика илмий-амалий конференцияси мақолалар тўплами. – Тошкент: ТАЙИ, 2001. – Б. 79-82.
35. Абдурахманов А.М., Мадалиев А.А. Эффективность организации региональных центров развития производительных сил. //Пятнадцатые международные Плехановские чтения: Тезисы докладов международной научно-практической конференции. – Москва: филиал Российской экономической академии им. Г.В.Плеханова, 2002. – С. 435-436.
36. Мадалиев А. Транспорт мажмуини бошқаришга ижтимоий онгни жалб этиш йўллари. //Ўзбекистон Республикасида автомобиль ва йўллар комплексини ривожлантириш истиқболлари: Республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами. – Тошкент: ТАЙИ, 2004. – Б. 302-303.
37. Мадалиев А.А. Совершенствование управление фермерским хозяйством и активизации человеческого фактора. //Управление персоналом в государственных организациях и коммерческих структурах: Тезисы докладов международной научно-практической конференции. –Москва: филиал Российской экономической академии им. Г.В.Плеханова, 2004, – С. 89-90.
38. Мадалиев А.А. Абдурахманов А.М. Мотивация труда в развитии лизинга. //Управление персоналом в государственных организациях и коммерческих структурах: Тезисы докладов международной научно-практической конференции. – Москва: филиал Российской экономической академии им. Г.В.Плеханова, 2004. – С. 114-116.
39. Мадалиев А.А. Инсон омилини фаоллаштириш ютуқлар гарови. //Автомобиль-йўл комплексиди замонавий технологиялар: Республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами, 2-қисм. – Тошкент, ТАЙИ, 2006. – Б. 236-237.
40. Мадалиев А.А. Инсон омилини фаоллаштириш аҳамияти. //Westminster international university in Tashkent. THE ANNUAL CONFERENCE PROCEEDINGS: Towards a knowledge economy in Central Asia. –Tashkent: Westminster international university, 2008. – P.59-60.
41. Мадалиев А.А. Бошқарувни эркинлаштириш масалалари. //Материалы научно-технической конференции по проблемам наземных транспортных

- систем (С участием зарубежных ученых). Часть 1. – Ташкент: ТТЙИ, 2008. – С. 53-54.
42. Мадалиев А.А. йўл хўжаликлари бошқарувида ахборот технологиясидан фойдаланиш. //Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти: амалий натижалар, асосий тенденциялар ва ривожланиш истиқболлари: Ёш олимлар ва тадқиқотчиларнинг Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: ТАЙИ, 2012. – Б. 308-310.
43. Мадалиев А.А.Таълим-тарбияда инсон омилини фаоллаштириш муаммолари. //Ўзбекистон автомобиль-йўл комплексининг долзарб муаммолари: Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Тошкент: ТАЙИ, 2013. – Б 54-56.
44. Саидов М.Х. Мадалиев А.А. Роль образования и воспитания в подготовке кадров. //Конституция Республики Узбекистон – образование и воспитание молодёжи: Материалы III традиционной научно-практической конференции. – Ташкент: МГУ, Ташкентский филиал, 2014. – С. 156-162.
45. Саидов М.Х. Мадалиев А.А. Основы создания системы самоуправления. //Конституция Республики Узбекистон: образование и воспитание молодёжи: Материалы IV традиционной научно-практической конференции. – Ташкент: МГУ, Ташкентский филиал. 2015, – С. 106-111.
46. Саидов М.Х. Мадалиев А.А. Ишлаб чиқаришда персонал фаоллигини ошириш ва унда рағбатлантиришнинг ўрни. //Конституция Республики Узбекистан: наука, образование и воспитание молодежи: Материалы четвертой традиционной научно-практической конференции, посвященной 23-й годовщине Конституции Республики Узбекистан, IV часть, 4 секция. – Ташкент: МГУ, Ташкентский филиал, 2015. –С. 138-144.
47. Саидов М.Х. Мадалиев А.А. Йўл хўжалиги фаолиятини мувофиқлаштиришда ахборот технологияларидан фойдаланиш аҳамияти. //Конституция Республики Узбекистан: наука, образование и воспитание молодежи: Материалы четвертой традиционной научно-практической конференции, посвященной 23-й годовщине Конституции Республики Узбекистан, IV часть, 4 секция. – Ташкент: МГУ, Ташкентский филиал, 2015. –С. 145-149.
48. Мадалиев А.А. Интеграция – взаимовыгодное сотрудничество в условиях активизации человеческого фактора. //Аграрная наука – сельскому хозяйству. XI Международная научно-практическая конференция. Сборник статей. Книга 1. – Барнаул: Алтайский ГАУ, 2016. – С. 253-254.
49. Мадалиев А.А. Аграр сектор корхоналари фаолиятини трансформациялаш аҳамияти //Embassy of the people's republic of China in the Republic of Uzbekistan, Tashkent state university of economics, Development prospects of economic Cooperation between Republic of Uzbekistan and people's Respublic of China, International scientific-practical conference.– Tashkent: 2016, –P. 291-294.
50. Саидов М.Х. Мадалиев А.А. Основные аспекты активизации человеческого фактора. //Профессиональное становление личности XXI века в системе непрерывного образования: теория, практика и

перспективы: Материалы научно-практической конференции. – Ташкент: МГУ, Ташкентский филиал, 2016. – С. 27-33.

51. Мадалиев А.А. Активизация человеческого фактора – основа развития экономики. // Орел аграр университети (Халқаро конференция), 2018.
52. Мадалиев А.А. Истиқлол ва таълим равнақи. // Андижон иқтисодиёт-муҳандислик институти, 2018 й.
53. Мадалиев А.А. Агросаноат секторида рақамли иқтисодиёт. // Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислар институти, 2019 й.
54. Мадалиев А.А., Хасанов Н. Устойчивое развитие аграрного сектора на основе интеграции. // Смоленский гос. сельскохозяйственная академия, 2019 г.